



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2015-yil 14-fevral, shanba, № 22 (3527)

Кун тартибда хотин-қизлар масаласи

Жамиятнинг маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеи ҳамда фаоллигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси ҳамда ҳуқуқларининг таъминланиши, улар саломатлигини муҳофазалаш ва маънавиятини юксалтириш каби масалалар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.



АЁЛГА ЭЪТИБОР — ЖАМИЯТГА ЭЪТИБОР

Натижада, Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидорини, билим ва салоҳиятини намойён этиш учун ётарли шарт-шароитларни яратиш борасида давлатимиз томонидан кенг қамровли савб-харакатлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишларда олиб борилаётган тизимли ишларда Ўзбекистон касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида Касба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши, тармоқ ва ҳудудий касба уюшма ташкилотлари тизимида эса Хотин-қизлар комиссиялари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан жойларда хотин-қизлар бандлигига қўмақлашиш, меҳнат муносабатлари соҳасида уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ишонч билан айта оламизки, мамлакатимизнинг олис қишлоқларида фермерлик қилаётган аёлдан тортиб йирик корхоналари бошқараётган раҳбар аёлларгача, фарзандини қалб кўри билан тарбиялаб, Ватан камоли учун хизматга йўллаётган оналар-у мамлакат қонунарини яратишда иштирок этаётган депутат аёлларгача, барча-барчасининг қалбида эл-юрт учун фидойилик туйғуси, оила ва фарзандлар камоли муҳасамдир. Зеро, шундан билан ривожланиб бораётган давр аёл билим жамияти ўртасидаги эътибор нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатмоқда.

●●●● 2

Янги тажриба

ТУРНИКЕТ ДАСТУРИ

Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-хунар коллежи Сурхондарёдаги салоҳияти ўқув масканларидан. Бу ерда 1600 нафар ўғил-қизга 5 та йўналиш бўйича 92 нафар устоз ва мураббий сабоқ бермоқда.

Олис туманлардан келиб ўқиётган ёшларнинг 200 нафари ётоқхонада яшайди. 100 ўринли ошона ўқувчилар хизматида. Уларнинг танлаган хунарларнинг пухта эгаллаши учун ҳамма шароит муҳайё. Германия ажратган кредит ҳисобига информатика ва тилувилик устахоналари замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган. Колажада етук радиотехник бўлишни оруз қилган ёшлар касб сирларини пухта эгаллаши учун Кореядан келтирилган жиҳозлар ёрдамида дарс ва амалий машғулотлар утиляпти.

Вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар коллежлари орасида биринчи бўлиб бу ерда «Давомат назорат тизими» жорий этилди. Бу тизим орқали ўқувчи ва ўқитувчилар кунлик давомати таҳлил қилиб боришмоқда.

— Турникет дастурини жорий этишга 2014-2015 ўқув йилидан тайёргарликни бошлагандик, — дейди коллеж директори Урол Тошбоев. — Бухоро нефть-газ касб-хунар коллежида бўлиб, тажриба ўргандик. Ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи учун махсус бирқалар тайёрланди. Ота-оналарнинг телефон рақамлари рўйхати шакллантирилди. Бирқаларда штрих код ёзилган бўлиб, ўқувчи ва ўқитувчи коллежга қаравишдаги фойеда ўрнатилган мониторга бирқални тутуди. Компютер бир дақиқада 70 кишини рўйхатдан ўтказди ва ота-оналарнинг уяли телефонларига фарзандининг коллежга қачон етиб келганлигини дақиқасигача хабар қилади. Ўқувчи коллеж эшигиндан чиқиб кетаётганда ҳам ота-онага шу тариқа СМС жўнарилади. Натижада, ўқувчилар давомати юқори бўляпти. Ота-оналар жорий этилган бу дастурдан миннатдорликларини билдиришмоқда. Яқин кунларда биз ўқувчиларнинг дарсларини ўзлаштириш ва хунар эгаллаш бўйича рейтинг баҳорларидан ҳам ота-оналарни СМС орқали хабардор қилишни режалаштиряймиз. Шўбасиз, бу ҳам ўз самарасини бериб, таълим самарадорлигини оширади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" муҳбири

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА



Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги «Ҳазорасп агродеталь» масъулияти чекланган жамиятида ойига 100 минг дона полипропилен қопи ишлаб чиқариш қувватига эга линия ишга туширилди.

Бу ерда замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган 25 ва 50 килограмм сифимли қоплар қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш молларини қадқолашга мўлжалланган. Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 20 кишининг асосий қисми ёшлардир.

Суратларда: (чапдан) корхона ишчилари Бахтигул Самандарова ва Сурайё Алланазарова. Корхона ишчиси Баричной Ниёзова.

Шоназар ҚОРИЕВ (ЎЗА)
олган суратлар

Сайлов — 2015

Жиззах вилоятида ҳам шу йилнинг 29 март кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қизгин паллага кирди. Айни пайтда вилоятда тузилган сайлов участкаларини замонавий алоқа воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

ХОЛИСЛИК — ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах сайлов округи таркибида ташкил этилган 463 сайлов участкалари сайловчиларнинг келиб-кейтиши учун қулай биноларга жойлаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунари ва бошқа ҳуқуқий қитоблар билан таъминланди. Барча участка сайлов комиссиялари таркибига эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, жамоатчилик ишларида фаол бўлган шахслар тасвир этилди.

Округ сайлов комиссиясининг навбатдаги матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари сайловга тайёргарлик жараёнида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

— Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик Марказий Сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режаси асосида амалга оширилмоқда, — деди округ сайлов комиссияси раиси А.Сатторов. — Мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу сиёсий жараёнга тайёргарликнинг бориши оммавий ахборот воситаларида кенг ва холис ёритилишига алоҳида эътибор орасида обрў-эътибор қозонган, жамоатчилик ишларида фаол бўлган шахслар тасвир этилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири

Истиқлол шарофати

Азал-азалдан бозорлар эҳтиёжларини қондирувчи маскан ҳисобланган. «Элнинг қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг, бозорини кўр», деган гап ҳам бежиз айтилмаган.



ЮРТ ФАРОВОН, БОЗОРЛАР ТЎКИН

Беадад шукрлар бўлсинки, бозорларимиз қиёфаси, қўриқ-таровати мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Улар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бир қанча муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимизнинг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш тўғрисида»-ги ҳамда «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорлари шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамалигида пойтахт ҳамда вилоятлардаги ўнлаб бозорлар янгидан қурилди. Замонавий услубда бунёд этилган бозорларда сотувчи-ю харидорлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бозорлар нафақат савдо-сотих қиладиган, балки озодалиги, кўркамлигидан кўнгиллар баҳра оладиган обод гўшаларга айланди. Буни нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонлар ҳам эътироф этмоқда.

Пойтахтимиизнинг Яшнабод туманида жойлашган «Авиасозлар» дехқон бозори ОАЖ ана шундай гўзал масканлар сирасига киради. Сўнгги йилларда бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 3 та қишлоқ хўжалик павильони капитал таъмирланди. Расталар янгиланди.

— Аҳолини арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, дехқонларимизга қулайликлар яратиш мақсадида доимий қишлоқ хўжалик ярмаркаси ташкил этилган. Савдо расталари, пешлавхалар, тош-тарози, сотувчилар эса махсус кийим-бош билан таъминланган, — дейди дехқон бозори ОАЖ директорининг биринчи ўринбосари Рустам Илҳомов. — Шунингдек, 4 та «Элга хизмат» савдо расталари ташкил этилган бўлиб, бу ерда арзонлаштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мол ва парранда гўштилари тўлов терминаллари орқали сотилмоқда.

●●●● 2

Навоий

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, жумладан, ишлаб чиқариш корхоналари салоҳиятини ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмаптир.

ХАРИДОРЛАР МАМНУН

Зарафшон шаҳри тадбиркорлари ҳам бундай имкониятдан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилишаптир. Шаҳардаги «Велан» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида тую, қўй жунидан ишлаб чиқарилаётган пайпоқ, белбоғ ҳамда тўшамалар сифати ва арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Қизилқум воҳаси ширкат хўжалиқларидан харид қилинадиган жун қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолида хорижа экспорт қилинмоқда ва маҳаллий бозорларга етказиб берилмоқда.

30 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётган корхонада 50 нафар хотин-қиз меҳнат қилаптир. Эндиликда бозор талаби ўрганилиб, қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш чоралари қўриляпти. Натижада, яна 20 нафар хотин-қизга янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

А.МАНСУРОВ

Фарғона

Марғилонлик тадбиркор Муҳаммадjon Раҳимов раҳбарлик қилаётган «Алоҳида гўшт маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамияти жамоаси шаҳар савдо шохбчаларига ўн турдаги гўшт маҳсулотларини етказиб беришни йўлга қўйди.

БАНК ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

— Лойиҳани амалга ошириш учун 300 млн. сўм сарфладик, — дейди корхона раҳбари. — «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки Марғилон филиали 250 млн. сўм миқдорда кредит ажратиб, бизни қўллаб-қувватлади. Гўштни қайта ишлаш ускунаси олиб келиб ўрнатилиши натижада иш унуми анча ўсди.

Корхона ишга тушиши билан ишчилар сони 20 кишига өтди. 5 нафари коллеж битирувчиларидир. Тадбиркор келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирган.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ

Қорақалпоғистон

Нукус шаҳридаги ҳарбий хизматга чиқариш пунктида тадбир бўлиб ўтди.

ХИЗМАТГА ШАЙ

Унда қатнашган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев, Ўзбекистон Мудофаса Вазирлиги Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи, подполковник Б.Бегбаев мударли ҳарбий хизматга чақиртилувчиларни кутлади.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши томонидан ҳарбий хизматга чақирилган 100 нафар йигитга соғвалар топширилди.

Ортиқбой МАМУТОВ
"Ishonch" муҳбири

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

«Соғлом авлод учун» хайрия фонди Андижон ҳудудий филиали Қорасув шаҳрида Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан саломатлик ҳафталиги ташкил этди.

САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

Филиалнинг тиббий-ижтимоий патронаж «Амбуланс» бригадаси мутахассислари Аҳмад Ясавий ва Бўрибой Аҳмедов номли маҳалларда истикомат қилувчи 200 га яқин кишини тиббий текширувдан ўтказди. Эътиборли жиҳати, уларнинг асосий қисми қариялар, ногиронлар ва эҳтиёжманд оила вакиллари. Тиббий кўриқдан ўтганларнинг барчасига бепул дори-дармон, санитария-гигиена воситалари ҳамда кийим-бошлар тақатилди. Муайян хасталиклар аниқланганларга амбулатор ва стационар тартибда даволаниш учун йўланма ҳамда тавсиялар берилди. Уч нафар ногирон қарияга аравачалар топширилди.

— Хукуматимизга минг раҳмат, — дейди 103 ёшни қаршилаган Тўпақон ая Холматова. — Кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, соғлиғимизни яхшилашга шартлоллар яратиб беряпти. Мана, шифокорлар мени ҳам текширишиб, зарур маслаҳатлар беришди. Бундан кўнглим янада кўтарилди.

Бундай хайрли тадбирлар вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилмоқда. Шу вақтга қадар Андижон шаҳри, Пахтаобод, Марҳамат ва Андижон туманларида ташкил этилган саломатлик ҳафталиқларида 2387 нафар фуқаро тиббий текширувдан ўтди. Уларга 3215 маҳсулот бирлигида дори-дармон, 200 дан ортиқ оёқ кийимлари, 1700 та санитария-гигиена воситаси берилди. Тадбир доирасида кексаларда сурунлик ва юкумли касалликларнинг кечиши, уларнинг олдини олиш, овқатланиш тартиблари хусусида суҳбатлар уюштириляптир.

Нурилло НЎМОМОНОВ,
"Ishonch" муҳбири

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҲИСБОТ-САЙЛОВЛАР ЙИЛИ

Қарши шаҳридаги 5-умумтаълим мактабда ўтган ҳисобот-сайлов конференцияси намунали семинар тарзида ташкил этилди. Унда таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси тўғрисида муносабат билан қариялар учун чопов ва халатлар тикиш, шунингдек, спорт кийимлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

НАМУНАЛИ СЕМИНАР ТАРЗИДА

— Ҳисобот даврида мактаб маъмурияти ва касабаси уюшмаси ўртасида 2010-2012, 2013-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси қабул қилиниб, иккинчи меҳнат жамоасининг умумий йиғилишларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилди, — деди мактаб касабаси уюшмаси раиси Дилдора Раҳматова. — Жамоа шартномаларига йил дастурларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб турилди.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида нозоратга олиниб, маъмурият, тармоқ шаҳар кенгаши, молия бўлими, газначилик ва банклар билан ўзвий алоқада бўлигани боис ҳозирда муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмас.

Тармоқ тизимида халқ таълими ходимларининг анъанавий спартакиадаси, байрамлар муносабати билан "Соғлом оила — жамият таянчи", шунингдек, "Спорт — саломатлик гарови" шиори остидаги мусобақалар ушшоқлик билан ташкил этилаётди. Бундан ташқари, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, турли саёҳатлар уюштириш ишлари доимий эътиборда.

Конференцияда муаллима Лобар Файзиевага ишонч билдирилиб, касабаси раиси этиб сайланди.

Тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги маъсул ташкилотчиси Шодмон Кубаев ҳамда вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси ташкили ишлар бўлими муdiri Файзулла Маҳмудов мажлис юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Йўл қўйилган камчиликлар қайд этилиб, зарур кўрсатмалар берилди.

Тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгаши томонидан бошланғич ташкилот етакчиларига, шаҳар ва туман кенгашлари раисларига "Ҳисобот-сайловларни ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар" тарқатилди.

Акмал АБДИЕВ, "Ishonch" мухбири

Ҳисобот даври Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошланғич касабаси уюшмаси фаолиятида ҳам ёрқин из қолдириди.

ТАҲЛИЛ ВА ЭЪТИРОФ

Касабаси раиси Анзурат Эгамова ҳисобот маърузасида таъкидлаганидек, бошланғич ташкилот иштирокида қолдирилмаган маблағнинг оширилгани, имтиёзли йўлланма олиш даврийлиги икки йилга қисқартирилгани, санаторийларга яқин қариндошлар учун ҳам йўлланмалар олиш имконияти яратилгани тўғрисида тиббиёт бирлашмаси ходимларига сўнги икки йилда касабаси уюшмаси ҳисобидан 22 дона, ижтимоий сўғурта маблағи ҳисобидан 11 дона йўлланма турли сифатларга, шунингдек, 106 та йўлланма болалар оромгоҳларига имтиёзли равишда берилди.

Жамоа шартномаси аввалгиларидан тубдан фарқлиниб, ходимлар ижтимоий ҳимоясининг барча жаҳалларини қамраб олишга ҳаракат қилинди. Ёшлар ва аёллар учун имтиёزلар кўзда тутилган алоҳида бўлимлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг мамлакатимизда ратификация қилинган Конвенцияларни амал қилишини таъминлашга қаратилган бандлар жамоа шартномаси мазмун-моҳиятини янада оширди.

Ҳисобот даврида 357 та ёзма, 48 та оғзаки муносабатлар қўриб чиқилганлиги қайд этилиб, касабаси уюшмаси кўмитаси қошида тузилган меҳнат муҳофазаси, хотин-қизлар билан ишлаш, маданий-маърифий ва ташкилий ишлар бўйича комиссиялар фаолиятини янада жонлантириш ва тақомиллаштириш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, таъкидландики, айрим даволаш-профилактика муассасалари (3-, 6-, 8-, 9-оилавий поликлиникалар)да жамоа шартномаларига меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича битимлар, меҳнат шариоити зарарли ишларда банд ходимлар рўйхати ва бошқа зарур иловалар тўғрисида қўриб чиқилган. Санитар-маиший ва ечиниш, дам олиш хоналари таъмирталаб бўлиб қолган. Табиийки, ушбу жиҳатлар тезда ўз ечимини топиши лозим.

Йиғилишда бошланғич касабаси уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти атрофида муҳокама қилиниб, Анзурат Эгамова бошланғич касабаси уюшмаси кўмитаси раиси этиб сайланди.

Ҳисобот-сайловда вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари А.Ихтиёр, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилоятидаги маъсул ташкилотчиси Х.Қодировлар иштирок этиб, фаолиятни яхшилашга оид фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Абдуманноп АЗИМОВ, "Ishonch" мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Албатта, бу жараёнда гузаллик рамзи, оила фариштаси ҳисобланган аёллар манфаати, ижтимоий ҳимояси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари устувор ҳисобланади. Кўп миллионли аъзога эга бўлган оммавий жамоат ташкилоти — Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши томонидан бу борадаги ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида қандай сарф-ҳаракатлар олиб боришмоқда? Кенгаш касабаси уюшмаси аъзоси бўлган хотин-қизларга қай даражада кўмак бераётми? Аёллар дуч келаётган қатор масалаларни ҳал этишда унинг ўрни ва иштироки қандай бўлмоқда?

Федерация Кенгашининг Ўқув марказида бўлиб ўтган Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида бу борада амалга оширилётган ишлар атрофида таҳлил этилди.

Унда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева томонидан юртимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида турли соҳаларда аёлларга яратилаётган кенг қўламли имкониятлар, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда рўй бераётган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида фаол иштирок этишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар таъкидланди.

Шунингдек, касабаси уюшмалари тизимида фаолият кўрсатаётган Хотин-қизлар кенгаши ва комиссиялари фаолиятини тақомиллаштириш, 2015 йилда улар олдига турган устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилаётган юксак эътибор натижасида юртимизда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат фаолиятини фарзандлар тарбияси билан уйғун ҳолда олиб бориш, оналик ва болаликни муҳофазаси қилиш йўналишларида мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилган, — деди, жумладан, Т.Нарбаева. — Яна шунини алоҳида таъкидлаш керакики, Ўзбекистоннинг меҳнат соҳасидаги қонунчилиги ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқаро стандартларга тўла мос келиши билан бирга қўллаб-қувватлашда ходимларга улардан ҳам юқори-роқ имтиёз ва қаролатлар берилган.

Йиғилишда Федерация Кенгаши раиси томонидан мазкур йўналишларда амалга оширилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Шунингдек, Президентимизнинг мамлакатимизда 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янқулири ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган бўлган вазифалардан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда белгиланган касабаси уюшмалари фаолиятининг 2015 йилдаги устувор йўналишлари асосида Касабаси уюшмалари тизимидаги Хотин-қизлар кенгаши ҳамда комиссиялари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланиб, тизимни тақомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Кўйидаги масалалар Касабаси уюшмаси фойдаланган ҳолда корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизлар учун муносив меҳнат шариоитларини яратиш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш;

хотин-қизлар бандлиги дастурларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ҳимояталаб аёллар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

хотин-қизларнинг маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни тизимли равишда ташкил этиш;

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқларига оид Конвенциялари талабларининг меҳнат жамоаларида бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

касба уюшмаларининг хотин-қизларни соғломлаштириш ва дам олдирishни ташкил этиш борасидаги фаолиятига кўмаклашиш.

Йиғилишда Касабаси уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши томонидан "Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган, касаначилик билан шуғулланаётган аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси, уларга хавфсиз ва етарли иш шариоитлари яратиши тўғрисида" ҳамда "Наманган вилоятида-

лари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши ҳамда тармоқ касабаси уюшмалари Республика кенгашлари ва худудий касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмалари қошидаги хотин-қизлар комиссияларининг устувор вазифалари сифатида эътироф этилди;

Жамоа шартномалари ва Келишувлари орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган ишларни янада тақомиллаштириш ва уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини юритиш;

ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмларидан самарали

ги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи хотин-қизлар учун жамоа шартномаларида белгиланган имтиёزلарнинг бажарилиши тўғрисида"ги масалалар бўйича Федерация Кенгаши бўлими мудири Клара Шоюсупова ва Эътиборхон Раҳмоновнинг ахборотлари тингланиб, муҳокама этилди.

Шунингдек, йиғилишда Касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Навоий, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида хотин-қизлар учун яратилган иш ўринларининг самараси, уларда фаолият юритаётган аёлларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги масалалари қўриб чиқилди. Маълумки, ўтган йили Федерация

килотчи қизимизни корхона раҳбарлигига тақдир этиганимиз иш сурвати ва сифатини ошириш баробарида маҳсулот турларини кўпайтириб, ишлаб чиқариш ҳажминини ошираётди. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан қариялар учун чопов ва халатлар тикиш, шунингдек, спорт кийимлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

— Аёллар бандлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бундан нафақат аёл, балки унинг оиласи, фарзандлари баҳраманд бўлиши баробарида жамият ҳам манфаат қўради, — дейди Навоий вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар комиссияси раиси Норимол Нурмонова. — Федерация Кенгаши томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари тасарруфида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Касабаси чевар" масъулияти чекланган жамияти

ташкил этилди. 17 та тикувчи машинаси сотиб олиниб, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. "Касабаси чевар" томонидан ўтган йили 22 миллион сўмлик, 70 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳозирги кунда жамият томонидан фаолиятни ривожлантириш, иш ҳажми ва маҳсулотлар кўламини ошириш, қўшимча равишда янги иш ўринлари яратиш йўналишларида янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

— Меҳр-саховат шундай гавҳарки, унинг теғрасида одамлар бир-бирига оқибатли, халқ фаровон, мамлакат обод бўлади, — дейди Сурхондарё вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар комиссияси раиси Муяссар Қодирова. — Федерация Кенгаши томонидан ажратилган 34 млн. сўмлик маблағ воҳимиз аёллари учун ўзига хос мадад ва рағбат бўлди. Вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси қошида "Зодиак-Касабаси-сай" шўба корхонаси фаолиятини йўлга қўйилди. Аини кунда бирда 12 нафар тикувчи ва 4 нафар қандолатпаз меҳнат қилаётди. Ўтган йили корхона томонидан чойшаб, кўрпа-тушақ, пахта терими учун этаклар, маҳсуус иш кийимлари каби 39,2 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 136 млн. сўмлик сайёҳлик хизмати кўрсатилди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари учун 72 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлаб бериш юзасидан бюортомалар олинди. Бугунги кунда янги иш ўринларини яратиш борасидаги фаолиятимизни давом эттирмоқдамиз. Хусусан, режамиздан иссиқхона қурилиши, бу орқали яна 10 та янги иш ўрни яратиш ҳам ўрин олган.

Йиғилишда барча бўғиндаги касабаси уюшмаси ташкилотларида хотин-қизлар комиссиялари фаолиятини тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Касабаси уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгашининг турли йўналишлардаги ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, 2015 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Яқунда таҳлиллар ва муҳокама этилган масалалардан келиб чиққан ҳолда ҳамда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш йўналишидаги ишларни кучайтириш юзасидан тегишли қарор ва тавсиялар қабул қилинди.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари, Амина ҚОДИРОВА, "Ishonch" мухбири, "Ishonch" фотомухбири Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Муҳими, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати сотувга чиқарилишидан олдин лабораторияларда мутахассислар томонидан назоратдан ўтказилади. Тез бузиладиган гўшти, сут, туҳум, балиқ маҳсулотларини сотиш учун алоҳида шариоитлар яратилган. Мавжуд 3 та павильонда 2 тадан электрон назорат тарозиси ўрнатилган.

Бозорда арзонлаштирилган мол ва парранда гўшти, туҳум маҳсулотлари сотуви ташкил этилган. Аини пайтда мол гўшти 21 минг сўмдан, парранда гўшти 11 минг сўмдан, туҳум 270 сўмдан сотилмоқда.

Кези келганда, бозорда тозалikka бўлган юқори эътибор тўғрисида ўтган йили Хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Тошбозорсавдо" уюшмаси томонидан ўтказилган қўриқ-танловда "Авиа-

ЮРТ ФАРОВОН, БОЗОРЛАР ТЎКИН

созлар" деҳқон бозори ОАЖ Тошкент шаҳридаги "Энг намунали деҳқон бозори" деб топилганлигини таъкидлаш лозим.

— Бу ерда меҳнат қилаётган 104 нафар ишчи-хизматчи касабаси уюшмаси аъзоллигига қабул қилинган бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари амалдаги жамоа шартномаси орқали ҳимоя қилиниб келинмоқда, — дейди "Авиасозлар" деҳқон бозори ОАЖ касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Азиз Адиллов. — Ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда. Янги йил арафасида ёш фарзанди бор ходимларга цирк томошалари учун чипталар тарқатилди. Шунингдек, ўтган йили 7 нафар ходим турли сифатларда дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаб қайтди.

Расталардаги ранг-баранглик, энг муҳими, арзончилик харидорларнинг мам-

нунлигига сабаб бўлмоқда. — Ҳозир меҳнат қилган одам кам бўлаётгани йўқ. Ёшлигимдан ерга меҳр қўйганман. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, иссиқхона барпо этдим. Помидор, бодринг, қўқатлар етиштириб, тўқинчилик баҳоли қудрат хисса қўшаётимиз. Олаётган даромадимиздан қиз узатиб, ўғил уйлантирдим, — дейди Аҳмад Туропов.

Янги боғлар, тоқорлар барпо этилаётгани, чорвачилик, паррандачилик, асаларчилик, балиқчилик каби тармоқлар ривожланаётгани натижасида бозорлари-

меҳнати, азму шижоати мужассамдир, — дейди 70 ёшли қоралаган Турсун Шуқуров.

— Болалик чоғларим... Тахминан 1963 йиллар эди. Уша йили ун, нон, макарон маҳсулотлари ниҳоятда тақчил бўлиб қолганди. Шу десангиз, маҳалла гузаридида дўконда макарон сотилармиш, деган хабар тарқалди. Уша вақтлари киши бошига 3 килограмдан бериларди. Маҳалла болалари билан биз ҳам навбатга турдик. Жуда яхши эслаيمان. Кун бўйи навбатда туриб, макарон олганмиз. Навбат билан андармон бўлиб,

мактабга ҳам бормагандик. Қизиги, эртасига мактабга борганимизда, ўқитувчиларимиз ҳам воқеадан хабардор бўлганликлари учун ҳатто уришиб ҳам қўйишмаганди. Уша йили бир ўқитувчимиз залда тўпганиб, нимандир муҳокама қилаётган болаларга кулиб:

— Нима гап, макаронга навбатга турибсизларми, деб ҳазил қилгани ҳамон ёдимда, — деб хотирлайди Н.Рафидков.

Эндиликда бозорларимиз обод, дастурхонимиз тўқин. Энг муҳими, арзончиликка эришилди.

— Бозорда бу йил ноз-неъмат ҳар қачонгидан сероб, баҳоси ҳам арзон, — дейди харидор Нилуфар Уринбоева. — Расталардаги нақшин олмалар, анорлар, беҳилар ҳозиргина богдан узилиб келтирилгандай.



УшА суратлари

Приглашение для участия в Тендерных Торгах

Table with 2 columns: Field (Дата, Проект, Контракт, etc.) and Value (06.02.2015 год, Программа строительства жилья для комплексного развития селских местностей, etc.)

1. Правительство Республики Узбекистан получило заем от Азиатского Банка Развития (АБР) для финансирования расходов по Программе строительства жилья для комплексного развития селских местностей, Тренинг 3. Часть средств данного займа будет использована на оплату по вышеуказанным контрактам.

Table with 3 columns: Region (Республика Каракалпакстан, Самаркандская область, etc.) and Contact Info (Address, Phone, Fax)

6. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны связаться или направить письмо на вышеуказанный адрес с просьбой предоставления тендерных документов по закупке работ по строительству индивидуальных домов, которые составляют Тендерный пакет № ... в массиве ... находящийся в ... км от села / города ... в районе ... области.

Table with 3 columns: Bank Name (Республика Каракалпакстан, Самаркандская область, etc.) and Bank Details (Bank Name, Account No., etc.)

7. Конкурсные предложения должны быть представлены: По вышеуказанному адресу До истечения крайнего срока подачи предложения: Согласно даты указанной в перечне Контрактов Необходимо представить Декларация об обеспечении тендерного предложения как указано в Тендерной документации.

Table with 3 columns: Agency (Совет Министров, Хокимият, etc.) and Contact Info (Address, Phone, Fax)

8. Открытые форумы для заинтересованных подрядчиков будут проведены в соответствующих областях хокимията в 11:00, 9 февраля 2015 г. по адресу, указанному выше.

Table with 3 columns: Office (Каракалпакский филиал, Самаркандский филиал, etc.) and Contact Info (Address, Phone, Fax)

10. Заинтересованные участники конкурсных торгов должны соответствовать следующим требованиям по СГОС (Среднегодовой оборот строительства) и по опыту строительства

Table with 4 columns: A (Классификация), B (Требуемый СГОС), C (Конкретный опыт строительства), D (Конкретный опыт строительства)

Main tender list table with columns: Lot No., Region, District, Massif, Lot No. in Massif, House No., End Date, etc.

Continuation of the main tender list table, including lot numbers 788-864 and 865-866.

Узбекистон металлургия ва машинасозлик санвати тармоқлари ҳодимлари касба уюмисаи Республика кенгаши жамоаси Узбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари «Узавтосаноат» АК бошқаруви раиси Улугбек Убайдуллаевич Розуқулловга отаси Убайдулла Атабаевич РОЗУҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

